

## ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

### Бойқобилова Ирода Жонтемир кизи “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Аудитда қўлланиладиган аудиторлик далилларини йиғиш усулларининг умумий тахлили шуни кўрсатмоқдаки, усулларнинг аксарияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва сальдони текшириш учун эмас, балки ички назорат воситаларини тахлил қилиш ва баҳолаш учун қўлланилмоқда.

**Аннотация:** Общий анализ методов сбора аудиторских доказательств, используемых при аудите, показывает, что большинство методов используются не для проверки оборачиваемости и сальдо бухгалтерской отчетности, а для анализа и оценки инструментов внутреннего контроля.

**Annotation:** A general analysis of the methods for collecting audit evidence used in the audit shows that most of the methods are used not to check the turnover and balance of financial statements, but to analyze and evaluate internal control tools.

**Калит сўзлар:** Айланмалар, ички назорат, далиллар, назорат, молиявий ҳисобот,

**Ключевые слова:** оборот, внутренний контроль, доказательства, контроль, финансовая отчетность.

**Key words:** turnover, internal control, evidence, control, financial reporting.

Халқаро аудит стандартига мувофиқ ички назорат воситаларини текшириш учун аудиторлик далилларини йиғишнинг фақат иккита усулидан фойдаланилади: ҳужжатларни текширишга асосланган усул ва кузатувга асосланган усул. Ж. Робертсоннинг фикрига кура, ички воситалари ишончилигининг баҳосини тасдиқлаш босқичида текшириш усулларининг фақат иккита хилини қўллаш мумкин: математик жиҳатдан тўғрилиқни текшириш (қайта ҳисоблаб чиқиш); текширилаётган маълумотлар гуруҳини бошқа маълумотлар гуруҳи билан уларнинг бир-бирига мос келиши нуқтаи назаридаи солиштириш.

Аудитда қўлланиладиган аудиторлик далилларини йиғиш усулларининг умумий тахлили шуни кўрсатмоқдаки, усулларнинг аксарияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва сальдони текшириш учун эмас, балки ички назорат воситаларини тахлил қилиш ва баҳолаш учун қўлланилмоқда. Бирок, ички назорат

тизимини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг турли босқичларида ҳам турли усуллар қўлланилади. Аудиторлик далилларини йиғишнинг қайсидир усулини қўллаш уни асослашни ва ягона мақсадга эришиш учун турли усулларни уйғунлаштиришни талаб қилади.

Бизнинг фикримизга қура, тестларнинг мазмуни бўйича уларнинг якуний рўйхатини шакллантириб бўлмайди, бироқ куйидагиларни текширишга йўналтирилган тестлар энг кенг тарқалган тестлардир:

-текширилаётган ташкилот ходимларининг малакасини;

-бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттириладиган хўжалик операцияларини амалга оширишда барча хизмат ходимлари ҳаракатларининг тартибини;

-бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи тузишни автоматлаштириш воситаларининг алгоритмларини.

Тест топшириқларининг биринчи тури аудитда чекланган тарзда, одатда, текширилаётган ташкилот раҳбариятининг рухсати билан ёки кўрсатмасига биноан қўлланилади ва бундан ташқари, аудитор учун синаб кўрилатган ходимнинг ушбу билимлари текширилаётган ташкилотда бухгалтерия ҳисобини юритиш чоғида ҳақиқатдан ҳам қўлланилишидан далолат бермайди. Бироқ бундай тест топшириқларининг натижалари тесқари ҳолатни ҳам кўрсатиши мумкин: агар ходим ҳисоб ёзувларини юритишнинг тўғри усулларини, назорат қилиниши шарт бўлган реквизитларни билмаса, ушбу ҳолат аудитор мазкур ходимга ишониб топширилган назорат воситаларининг самарадорлигини тасдиқламаслигига сабаб бўлувчи омил сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тестларнинг иккинчи тури - бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларда акс эттириладиган хўжалик операцияларини амалга оширишда барча хизмат ходимлари ҳаракатларининг тартибини текшириш аудитда кенг қўлданилади. Улар турли назорат воситаларининг мувжудлигига, уларнинг изчил қўлланилишига ва натижаларига ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Тестларнинг ушбу тури ҳам ички назорат воситалар билан умумий танишиб чиқиш ва уни баҳолаш, назорат муҳити ва ички назорат воситаларининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш босқичларида қўлланилади. Бироқ аудитор ўзининг назорат воситаларининг ишончлилиги ҳақидаги фикрини фақат текширилаётган ташкилот ходимларига таклиф этиладиган ва хўжалик операцияларини амалга оширишдаги ҳаракатлар тартиби тўғрисидаги саволларни ва уларга жавобларни

ўзида мужассам этган, тўлдирилган саволномаларнинг мазмунига асослай олмайди. Бундай ёндашув аудитнинг асосий тамойилларига зид келади.

Махсус ишлаб чиқишан саволнома ёрдамида текширилаётган ташкилот ходимларини тестдан ўтказишни муаллиф томонидан касса операцияларини банклардаги қисоб-китоб ва бошка хисобварақлар бўйича операцияларни тайёр махсулотни ишлаб чиқариш ва юклаб жўнатишни текшириш методикасини, шунингдек жалб этилган маблағларни (кредитлар ва қарзларни) текшириш методикасини яратиш чогида қўллаш таклиф этилади.

Ички назорат тизимининг ҳолатини текшириш тестлари хисоб юритишнинг қуйидаги хисобварақлари бўйича ишлаб чиқилган асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий инвестициялар, товар-моддий захирапарни, пул маблағлари, асосий ишлаб чиқариш, тайёр махсулотлар ва сотувлар жараёни, хисоб-китоб операциялари.

Тестлаш бухгалтерия ҳисобининг санаб ўтилган моддалари бўйича саволномаларни тўлдириш йўли билан ўтказилади. Бироқ, саволлар мазмуни алоҳида хўжалик операциялари ўртасидаги ўзаро боғлиқликка таълуқли эмас ва фақат бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими билан умумий танишиб чиқиш боскичида қўлланилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Аудиторлик фаолияти тўғрисида. 2021 йил 25 февраль, № ЎРҚ-677.
2. “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли қарори.
3. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: Молия, 2003;
4. Тўлаходжаева М.М. Аудит, Т.: БАМА, 2014; Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. –Т. : Ўқитувчи, 2004;
5. 50.Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит, «Шарқ» нашриёти, Тошкент, 2001;